



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 сентябр, шанба №144 (976)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!
Аввало, дунёдаги энг шарафли касб эгалари бўлган сиз азизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоят бахтиёрман.

Сиз, қалби дарё устозлар жондан азиз фарзандларимизга нафақат билим ва тарбия, балки ҳаётнинг қадри, умрнинг маъно-мазмунини англаш, инсоний меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлардан ҳам сабоқ берасиз.

Шу боис ҳам ўқитувчи деганда, ҳар бир инсон беихтиёр ўзининг беғубор болалигини, жўшқин ёшлик даврини, орзуларга тўла мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соғинч ва ҳурмат-эҳтиром туйғуларини билан эсга олади.

Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган

ҳозирги мураккаб замонда сиз каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол гоёларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Чунки биз бой тарихимизни чуқур биладиган, маданий меросимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган, билим, ақл-заковат жиҳатидан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Шу маънода, Ватанимиз равақли, жамиятимизнинг ёруғ келажиги, аввало сиз, муҳтарам устозларнинг машаққатли меҳнатингизга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз ва юксак қадрлаймиз.

Қадрли устоз ва мураббийлар!
Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги-янги илм масканлари куриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Шубҳа йўқки, биз ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун бундан кейин ҳам ҳеч нарсани аямаймиз.

Сизларни қутлуг байрам билан яна бир қарра мубороқбод этаман. Барчангизга бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик, эзгу ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
Қ.Ф.Фулломовни Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазири этиб тайинлаш тўғрисида
Қодир Фафурович Фуломов Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазири этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазирининг ўринбосари - Қуролли Кучлар Академиясининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
Ю.Н.Агзамовни Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида
Юрий Набиевич Агзамов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**
Т.Й.Қосимовни Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазирининг биринчи ўринбосари - Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида
Тўлқин Йўлдошев Қосимов Ўзбекистон Республикаси мудофиа вазирининг биринчи ўринбосари - Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у мудофиа вазирининг биринчи ўринбосари - Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 сентябр

УСТОЗЛАРИМГА

Маърифат боғида устоз имлони сиздан ўргандим,
Келажак учун жони фидони сиздан ўргандим.
Неки мавжуд бу оламда ҳисобда ечимин тобгай,
Деган сирли, синоатли маъвони сиздан ўргандим.
Юрак тилсимларин бир-бир очар эркан адаб илми Хушодоб мирзо Анвару Раънони сиздан ўргандим.
Шеър ишқи, шеърятин ишқи қонимда гувранган онлар Навоий ҳазрат бахш этган навоини сиздан ўргандим.
Илм — ҳикмат, илм — бойлик, илм бахту саодатдур,
Доб аталмиш шафоатли дунёни сиздан ўргандим.

Барот ЯРАШ.

МУАЛЛИМ КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР

Донишманддан сўрашибди:
— Дунёда энг улуғ инсон ота-онами ёки устоз-муаллимми?
Аллома ўйланиб, шундай жавоб берибди:
— Ота-она инсонни осмондан ерга олиб тушади, устоз уни ердан осмонга кўтарди.

Ха, оламнинг гултожи инсон бўлса, инсонларнинг буюғи ва суюғи устоз муаллимлардир. Бани одамзод борки, илк таълим берган зотни устоз атайди. «Устоз отандек улуғ», деган ҳикмат замирида ҳаёт ҳақиқати бор. Шундан бўлса керакки, жаҳоннинг юрағи ҳам устозлар қўлида уриб тураркан. Аслида кўзларнинг нури, қалбларнинг қўри, ақл-тафаккур гулшанининг ободлиғи устоз заҳматидан. У шундай зотки, таърифни айтмоққа сўз ожиз. Зеро, сўз ҳам унинг тафаккур гулшанидан бунёд бўлган мевадир. Шунинг учун ҳам сўз мулкининг султони энг сара байтларини устозларга бағишлаганлар.

Муаллим ҳақида сўзим
Ушбуди:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Ўқидим Геродот, тарихин кўп бор,
Форобий, Дантени тақроор ва тақроор,
Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг, муаллим.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов эътироф этганидек, буюқларни буюқ этган, донишмандларга ақлу камолот, кенг тафаккур бахш этган муаллимдир. Дунёдаги жамаки яхшилиқ, меҳр-саховат, вафо, одамийлик улар тўғрисида. Улар маънавият осмонидидаги бир нуруки, ҳар қандай қоронғу гўшлар муаллим ташрифидан ёруғ, нурафшон. Улар тўғрисида одамзоднинг номи улуғ, қудрати бекиёс. Қуёш ҳам ҳар тунг улар меҳридан, яхшилигидан, эзгу ниятларидан нуралиб чиқса не ажаб! Юлдузларга сеҳр солган, ойни уйғотган ҳам аслида устозлар сабртоқати эмасми?!

Ҳар биримизнинг ҳаёт йўлимизни нуралиртган ўз устозларимиз бор. Улар мурғак тафаккуримизга илму урфон уруғини сочган, кўнгил мулкимизга эзгулик ниҳолни эккан биринчи муаллимларимиздир. Ул азиз зотлар кўлимизга илк бор қалам тутқазиб, илм-маърифат манзилига бошлаганлар. Хотирамиз шажарасида улар эккан умид дарахлари ямғирли буй тартиб турибди. Устознинг ҳақи шоғирд олдида жуда кўп. Зеро, ҳазрат бобоқалонимиз Алишер Навоий лутф этганларидек:

Ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ҳақ йўлида ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдек умрбоқийдир.

Қутлов
Яхши ўқитувчидан сабоқ олган бола, шубҳасиз, камолотга етишадди. Шоҳ Искандарни етти иқлимга танитган инсон бўлишида унинг устози Арастунинг ёки ҳазрат Навоийнинг сўз мулкининг шоҳи бўлишида унинг устози Абу Лайсининг хизмати бекиёсдир. Зеро, шоғирд камолида устоз-ўқитувчининг ўз ўрни, ўз салоҳияти бор. Маърифат эзгулик йўлини ёритувчи машъала бўлса, ўқитувчи ана шу машъаладан нур олиб кўнгилларга чироқ ёқади. Маърифатдан ёлқинлаган кўнгилда эса Ватан буй чўзади, халқ шаклангани, миллат камолга етади, келажак бунёд бўлади.

Президентимиз Фармони билан маърифат улашувчиларга катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши эзгу ишлардан биридир. Фарғоналик Манзура Мадалиева ва тошкентлик Мавлуда Исмаатоваларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилгани мамлакатимизда яшаватган ўқитувчиларга эҳтиром ва ҳурмат рамзидир. Кейинги йилларда ўқитувчиларнинг маошлари бир неча баробар оширилди. Натигада муаллимлар ўз устларида ишлаш имкониятига эга бўлаётдилар. Негаки, келажиги буюқ давлатни бунёд этаётган ёшларнинг аввало устоз-муаллимлари билимдон, ҳар томонлама ҳимояланган бўлиши керак. Болани тўғри йўлга солиш

ГОЛИБЛАР АҚШГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилишида халқаро нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. АКСЕЛС - Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши 1992 йилдан буён республикамизда фаолият кўрсатиб, Ўзбекистондаги таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Бунинг натижаси ўлароқ ўқувчилар, талаба-ёшлар ва муаллимлар АҚШнинг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиш, малака ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Республика Халқ таълими вазирлиги АКСЕЛС ташкилоти билан биргаликда «Таълимда ҳамкорлик» дастури орасидан мамлакатимиз мактабларининг ижтимоий фан ўқитувчилари ўртасида танлов ўтказган эди. Унга кўра ўз фанидан ташқари инглиз тилини мукамал билган ўқитувчилар Қўшма Штатларнинг

ўқув муассасаларига ўзаро тажриба алмашиш учун юборилди. Республика Таълим марказида мазкур танловнинг йигирма нафар голибини кузатиш марросими бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Р.Жўраев голибларни қизгин қутлаб, улар зиммасига ўзбек миллий таълим моделини океан ортида таништиришдек масъулиятли вазифа юклаганини алоҳида таъкидлади. Танлов совриндорлари Калифорния штатидаги мактаб, коллежларда бўлиб, юртимизнинг таълим тизимидаги ютуқлар, ўқитиш тизимидаги энг яхши жиҳатларни АҚШда намойиш этиш билан бир қаторда Америка педагогик технологияларини ўрганадилар, умумий ва ўрта махсус илм масканларида фуқарошунослик фани бўйича малака оширадилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

МУАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ - ФИНАЛДА

Ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ва жазирилик Аллалау Муҳаммад ўртасида бўлиб ўтган ярим финал баҳсида боксчимиз иккинчи раундда 17:2 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритишга муваффақ бўлди ва финал боксчида чиқди.

Боксчиларимиз Рустам Саидов ва Сергей Михайлов эса ярим финал беллашуварларида маглубиятга учради.

Эркин кураш мусобақаларини Артур Таймазов давом эттирди. Руслан Хинчагов, Дамир Захардинов ва Махарбек Хадарцев ярим финалга чиқиш мусобақаларида ютқазиб қўйди.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИК МУСТАҚАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар фақат иқтисодий соҳадаги алоқалар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яқинда океан орти мамлакатининг «Винкрэк интернэшнл» компанияси Жиззах вилоятининг чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи хотин-қизларга кўмак бериш мақсадида Фаллаорол ва Бахмал туманларида ўз марказини очди. Мақсур компания бозор иқтисоди шароитида хотин-қизларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга моддий ва бошқа муаммолар тўғрисида сўраш бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларнинг олдини олишда ёрдам бермоқда. Компания марказлари томонидан Фаллаорол туманининг Жума, Бешбола, Жарбулоқ, Бахмал туманининг Тангатоғди, Сиртўзи, Қирқ қишлоқларида ўтказилган тадбирлар қишлоқ аёлларида катта қизиқиш уйғотди.

ҚОРАҚҲНФИРОТДА ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Қашқадарё вилояти Қасби туманининг ҚорақҲнфироат қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди.

Замонавий лойиҳа асосида қурилган бу шифо масканини барпо этиш ва уни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 22 миллион сўм маблағ сарфланди. Унда терапия, гинекология, ташхис қўйиш бўлимлари мавжуд. Беморлар бу ерда кундузи ётиб даволанишлари ҳам мумкин.



Ўзбекистон заминининг саховати ўзгача. Бу ерда етиштирилган ширин-шакар неъматлар барчани мафтун этади. Коровулбозор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғи аъзоси Ҳаётжон Бердиев (чапда) моҳир пахтакор. Айни пайтда яхши боғбон, энг сара мевалар етиштириш устаси. Ёшлар мураббийси Абдуллажон ота Ғофуров хонадонидан бўлсангиз олтин ранг узумларни кўриб завқланасиз. Нақшин олмалар, сархил сабзавотлар унча-мунча ерда йўқ. Ота мўл ва сифатли ҳосил етиштириш сирларини энди невараларига қунт билан ўргатмоқда.

— Асл соҳибкор бўлиш катта бахт, - дейди у. — Чунки хонадонингдан файзу барака аримайди. Ноз-неъматларимиз эл дастурхонини беэади.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.



Бандлик дастури амалда МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ИШ ҮРИНЛАРИ

уларга 560 нафар киши жойлашди

Бозор муносабатлари шароитида ишсизликнинг юзага келиши табиий. Чунки ишлаб чиқаришда рақобат вужудга келди. Лекин ҳаётда бизни ранжитадиган воқеа-ҳодисаларнинг аксарияти ишсизлик оқибатида келиб чиқмоқда. Таассуфки, бундай қонун бузилишлар, айниқса бекорчи ёшларимиз орасида кўпроқ содир этилмоқда.

Кумкўргон туманида бу борадаги муаммоларни ҳал этишда касба уюшмалари туман тармоқ кўмиталарининг «Меҳнат» бўлими билан ҳамкорликда ўтказётган тадбирлари муҳим аҳамияти касб этмоқда. Хусусан, бўлим жойлардаги энг оммавий жамоат ташкилотлари ва фаоллар билан мустақкам алоқада бўлиб, ишсизликнинг олдини олиш юзасидан хайрли ишларни амалга ошираётир. Масалан, маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида ташкил этилган янги иш ўринларига ёшларни жалб қилмоқда. Бугун ҳар бир маҳалла ҳудудида маиший хизмат нуқталари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тўқув-бичув цехлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, туман ҳокимининг бўш иш жойлари ярмаркасини ўтказиш ҳақидаги қарорига кўра С.Бойматов, Н.Мирзаев номли, «Беш қаҳрамон», «Ўзбекистон» каби ширкат ҳўжаликлари ҳамда «Турон» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятларига шу йилнинг ўсида 560 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Буларнинг орасида 228 нафар аёллар ҳам бор. Бу билан ишсиз деб эътироф этилган 246

нафар фуқаронинг мушқули осон бўлди. Ёшларимизнинг 76 насаба ўқишга йўлланма берилди. ва 46 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жўбдорланди. «Оққочига» ширкат ҳўжалигида эса 30 нафар хотин-қизларни тўқувчиликка ўқитяпмиз.

Кумкўргон шаҳридаги «Хуррият» маҳалласидан Мамаражаб Мирзаев, «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Усмон Бойқобиловларни «Турон» пахта очик турдаги ҳиссдорлик жамиятига, С.Бойматов номли ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Шухрат Алимардонов, Рустам Холбоевларни мазкур ҳўжаликка, «Сайхон» ширкат ҳўжалигидан Тожи Раҳмонқулони эса 19-умумтаълим ўрта мактабга ўқитувчилик касбига ишга жойлаштирдик.

«Меҳнат» бўлимимиз тумандаги 99 нафар фуқаронинг имтиёзли нафақага чиқишига кўмак берди. Ходимларимиз энг чекка маҳаллаларда ҳам бўлишиб, кенг тушунириш ишларини олиб боришяпти.

Усмон САТТОРОВ. Кумкўргон тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиги ўринбосари.

Миллий Дастур амалда ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ва унинг мактабгача таълим муассасаларида маънавият ва маърифат кенгаши тузилган.

Бўлим Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ёшларни Ватанга садоқат, эл манфаати йўлида хизмат қилиш ғоялари асосида камол топтириш бўйича 1999-2000 йилларга мўлжалланган Дастуридан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиб, диний экстремизм ва ақиданарастлик иллатлари ёшлар орасига кириб қилишига қарши аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан ташкилот, муассасаларда ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳар ойнинг учинчи жумаси «Маънавият ва маърифат ўқишлари кўни» деб белгиланган. Шу кўни таълим тарбия масканларида мамлакатимиз ва чет эллардаги янгиликлар, шунингдек, маънавий мерос ҳамда миллий мафкурамиз ҳақида олим, ўқитувчиларнинг шарҳлари тингланади, баҳс ва мунозаралар олиб борилади. Ушбу тадбирларда 20-, 59-, 84-, 92-, 137-, 169-мактаб жамоалари фаол иштирок этмоқда.



Мехнат ардоқлаган кишилар

«Ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нарқидек бола хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Жамолиддин Эшбоев. — Шу боис мактабларнинг 1-4-синфлари ўртасида «Миллий рамазлар билимдони» кўрик-танлови, «Менинг Ўзбекистоним» расмлар

танловини уюштириш одат тусига кирган. Юздан ортиқ ўқувчи иштирок этган ушбу танловда 92 - мактабдан А. Иброҳимов, 320 - мактабдан Д. Расуловлар гўлиб чиқди. Шунингдек, «Отам, онам, бувим ва бувамдан эшитган эртақчиларнинг шарҳлари тингланади, баҳс ва мунозаралар олиб борилади. Ушбу тадбирларда 20-, 59-, 84-, 92-, 137-, 169-мактаб жамоалари фаол иштирок этмоқда.

Юқори синфлар ўртасида ташкил этилган «Ватанимни улуглайман» мавзусидаги танловда шеврийтаги ихлос қўйган ва мўйқалам сирларини эгаллаётган ўғил-қизлар қатнашдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, мактабларда ташкил этилган «Президент асарлари билимдони» клуби болалар дунёқарашини кенгайтириш, дунё воқеалари билан яқиндан танишишлари катта ўрин тутаётир. Бундан ташқари «Мактаб - оила - маҳалла» концепцияси ҳаётга изчил тадбир этилаётти. Маърифат ва маънавият бўйича услубий бирлашма тумандаги болалар боғчаларида фаолият олиб бормоқда. Унинг таркибига кирувчи 567-болалар боғчасида доимий равишда ўтказиб келинаётган кичкинтойларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган «Ватан бизнинг онамиздир», «Коммунизмнинг аҳамияти» каби тадбирларда болалар дунёқарашини шаклланиб бормоқда.



Мухаббат ўрмонбекова, «Ишонч» мухбири.

Гийҳандлик ва спиртли ичимликлар саломатлик қушандаси эканлигини ёшлар оғига сингдириш мақсадида шаҳар нарқология диспансери билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шифо-

Жўшқин ҳаёт нафаси
ЗАМОНАВИЙ ИЛМ МАСКАНИ
Қамаши туманининг Карвон қишлоғида 315 ўринли замонавий мактаб биноси қад ростлади. Энди қишлоқ ақли барча кулайликларга эга бўлган замонавий ўқув даргоҳига эга бўлди. Барча қишлоқ ишлари белгиланган муддатларда бажарилди. Мактаб биноси бор-ўғи 45 кунда қуриб битказилди. Бунда Хисорак гидротурбина қарашли Қамаши туман Нажим Алимардонов бошлиқ кўча колонна қурувчилари айниқса жонбозлик кўрсатдилар.

Хуллас, «Фаргона» жамоа ҳўжалиги меҳнатқашларининг хурсандчилиги чекизи. Карвон қишлоғида қўрқ бағишлаб турган ушбу бино бугун ўқувчилар билан гавжум.

Лойқа қишлоғида яна бир мактаб биноси қурилиши ҳам жадал суратлар билан бошлаб юборилди. Замонавий 320 ўринли бу бинони йил охирига қадар ўқувчиларга совға сифатида топшириш мўлжалланган.

Ф. ПўЛАТОВ.

КўРГАЗМАЛАРДА ЮРТ КўРКИ
Яқинда пойтахтимизнинг Беруний кўчасида муқташам бино — «Ўзсавдомарказ» қад кўтарди. Бу иншоот — кўргазмалар маскани. Унинг зал ва павильонларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар, далаб-болларимизда етиштирилган ноз-неъматлар намойиш этилади.

Бу ерда 2 та зал ва кўргазма павильони мавжуд. Улар энг замонавий ва илгор технологиялар билан жиҳозланган. Худуди катта. Яқинда бу ерда «Минитек-2000» кўргазмаси бўлиб ўтди. 30 сентябрда эса «Қовун сайли» ўтказилди. Миришкор дехқонларимиз ўзлари етиштирган сабзавоту меваларни намойиш этдилар.

Марказда 40 га яқин хизматчи меҳнат қилади. Улар — ўз ишига масъулият билан ёндашадилар. Аксарият ишчи бир неча чет тилини билади. Компьютерни ҳам замон талаби даражасида эгаллашади.

«Ўзсавдомарказ» — «Халқаро ярмарка савдоси республика маркази» очик акциядорлик жамиятининг бош директори ўринбосари Алишер Ҳўжаев олиб борилаётган ишлар ҳақида шундай дейди:

Ўз бизнес-режаларимизни тайёрлаётимиз. Биз билан ҳамкорликда «LGT» (Ирландия) — ярмаркалар ўтказиш бўйича ташкилотчи-фирма ишламоқда. Мазкур фирма кўргазмаларнинг ташқи кўнфаси ҳамда лойиҳаларини ишлаб чиқариши.

К. ДИЛШОДОВ.

Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси кўмитаси ўз сафига 48 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган бўлиб, улар манфаатларини муҳофазалаш, иш берувчилар меҳнат қонунларига қандай риоя қилаётганликлари назорат қилиш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда. Меҳнат қонунларининг иш берувчилар томонидан бузилиши, ишдаги низоларга оид муурожаатлар сезиларли даражада қамайганлиги касба уюшма ташкилотлари ўз ўринини топаётганлигидан далолатдир.

Аммо айрим жойларда ҳали-ҳануз хатоқамчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Чунончи, баъзи касба уюшма ташкилотлари давр талаби даражасида ишлаб олмаяпти. Айрим касбақўм раисларида изланиш ва ташаббускорлик етишмапти. Улар ўзларига берилган ваколатлардан тўла фойдалана олмаяптилар.

Масалан, Наманган шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитасини олайлик. Ушбу кўмитага шу йилнинг май ойида раисликка сайланган Шокиржон Ҳайдаров иш режасидаги тадбирларнинг кўпини бажарилишини таъминламаган. Қонун ва касба уюшмалари Уставига зид қарорлар қабул қилган. Утган йилги ўтказилган йиғилиш қарорлари ханузгача расмийлаштирилмаган. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими катта ҳисобчиси Л.Хусанованинг иш ўрни бошқа муассасасга кўчиши муносабати билан маъмурият уни вазифасидан бўшатмоқчи бўлган. Касабақўм ходимнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига унга 2 ойлик нафақа тўлаш ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бош ҳисобчисига бажарилишини таъминлаш ҳурисуда раёсат қарорини чиқартириб берган. Холбуки, бу ўнинг ва-

дорида жарима солинган. Ваҳоланки, бунча миқдорда жарима солинадиган ҳолат ички тартиб қоидаларида кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, ходимлардан тушунтириш хати олинмаган, буйруқ уларга таништирилмаган. 30 июндаги 138-сонли буйруқ билан касалхонанинг 12 нафар ходимига йиғилишга кеч қолганликлари учун ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда жарима солиш-

билан тузилган шартномаларда иш кўни вақти, иш ҳақи ва таътилларнинг саналари белги-ланмаган. Таътилда бўлган ходимнинг ўрни вақтинча ишга қабул қилинган кишилар билан қонун талабларига кўра ёзма шаклда муддатли меҳнат шартномаси тузилмаган.

Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам маркази касба уюшма кўмитаси мурасасозлик йўли тўғрисида маъмурият талаби-

да ҳам юқоридагидек қонунбузарчиликни йўл қўйилган. Табиийки, ушбу қонунга ҳилоф буйруқларни бекор қилиш юзасидан ҳам маъмуриятга ёзма кўрсатма берилди.

Уқўргон тумани соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитасида иш берувчининг меҳнат қонунларига риоя этиши назорати яхши ташкил қилинмаган. Шу боис маъмурият меҳнат ва касба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этмасдан ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймоқда. Масалан, 1999 йил 1 май кўниги буйруқ билан туман марказий касалхонасининг фелдшерши Д.Дехқоновни сабабсиз йиғилишга келмаганлиги учун ишдан бўшатилган олддин касба уюшмасининг розилиги олинмаган. Айрим ходимлар

бўйича амалий ёрдам кўрсатиб келинган бўлса-да, уларнинг самарасидан кўнгил тўлмапти. Кўмитада ҳамон меҳнат ҳуқуқи нозири штати жорий этилмаган. Шу боис, ўтган йилда 20 та ёзма, 350 та оғзаки муурожаатлар тушган бўлса, амалдаги йилда улар тағин ҳам кўпайган. Ана шундай аризалардан баъзилари сифатсиз текширилган, тегишли хужжатлар тўлиқ талаб қилиб олинмаган. «Атлас» ҳиссдорлик жамияти тиббий бўлими ҳамшираси Х.Султоновани ишга тиклаш юзасидан тақдимномага жавоб олинмаган. Болалар шифохонасининг ҳамшираси Х.Иброҳимова ўз ишига тикланган бўлса-да мажбурий бекор юрган даври учун қонуний ҳақи ундириб берилмаган.

Вилоят касба уюшмалари Кенгашининг раёсат йиғилишида юқорида тилга олиб ўтилган камчиликларга, уларнинг сабабчиларига муносиб баҳо берилди. Ходимларни ижтимоий ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги хато-камчиликлар тақдорларини шифо қилишга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгиланди. Лекин масаланинг яна бир жиҳатини эътибордан қочирмаслик керак. Нега аҳоли шу даражага бориб етишига йўл қўйилди? Ахир, касба уюшма обрўси ишловчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қай даражада ҳимоялангани билан белгиланади-ку!

Ғофуржон КАРИМОВ, Наманган вилояти касба уюшмалари Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ нозирини.

КОРХОНА ОЁҚҚА ТУРДИ

Олтинсой туманидаги «Сандвич» қўшма корхонаси бундан ўн йилча муқаддам катта маблағ эвазига қурилган эди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаовчи мазкур корхона бир-икки йил ишлади-ю ўтириб қолди. Сабаби - корхонанинг ҳақиқий эгаси йўқ эди.

Жорий йил бошида ташкил этилган Сурхондарё вилоят «Меvasабзавотузумсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига киритилган қўшма корхона қайта таъмирланган, иккинчи умрини бошлади. Натижада қайта ишланган хўл меvasабзавот ва полиз экинларидан ҳозиргача саккиз миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

(ЎЗА).

Шундай одамлар бор бўлсин! КАТТА САВОБ

Истеъдод соҳиби, бор имкониятлари юзага чиқа бошлаган тадбиркорларимиз ота-бобларимиз анъаналашига йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгиланди. Лекин масаланинг яна бир жиҳатини эътибордан қочирмаслик керак. Нега аҳоли шу даражага бориб етишига йўл қўйилди? Ахир, касба уюшма обрўси ишловчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қай даражада ҳимоялангани билан белгиланади-ку!

Ғофуржон КАРИМОВ, Наманган вилояти касба уюшмалари Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ нозирини.

римиз аъло ўқиш ва намунали хулқлари билан жавоб қайтаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бултўрги битирувчиларимиздан 8 нафар олийгоҳларга, 10 дан ошғи эса техника кўчилирига ўқишга киришди. Янги ўқув йилида бу муваффақиятларни янада мустақкамлашга эришамиз, — дейди мактаб директори Шухратжон Собиров.

Истиқлол жамиятимизда инсон ақл-идроки, қобилиятини рағбатлантирадиган ўзига хос муҳитни юзага келишига имкон яратди. Саховатпешалик ҳам ана шундай инсоний қадриятларимиздан биридир.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Сабок
КАСАБАҚЎМ МУРОСАСОЗ БЎЛСА...

Гурур



«МЕН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИМАН»

«Тўғриси айтсам, биз гурурланишни унутиб қўйган эканмиз. Бир ярим асрлик истибдод миллий гуруримизни сўндириб бўлган экан. Шукрки, истиклом қўйиш порлаб, бизга эркин овозлик бериш билан бирга топталган кадр-қимматимизни ҳам тиклади. Аслида инсон элу юрти, дину эътиқоди, тили, маданияти, эришган ютуқлари билан гурурланиш билиши керак».



Буллар Оҳангарон тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Раҳимжон Жумагуловнинг дил сўзлари. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман ички ишлар бўлимининг хорижда чиқиш-келиши ва фуқаролар бўлимида бўлганимизда ҳам одамлар қиёфасида ифтихор ифодасини кўрдик.

Хайрат тўла кўзлари билан янги фуқаролик паспортини томоша қилган қизнинг, хозиргина янгилашган паспортини қадоқ кўллари билан етиштирган буғдой ҳосилидан қилинган нонни эъзозлагандек, оҳиста силаб қўяётган нуронийнинг, чолига қўшилиб шу

кунларга етказганига шукрона айтиб, дуога қўл очган онахоннинг юзларида ҳам гурур жилваланади. Уларни самимий куллаган одамларни оралаб ичкарилаймиз. Хоналарда иш қизгин. Миллиция майори Жалолиддин Мираҳмедов ва йигирма нафардан ортик бўлим ходимларининг қўли-қўлига тегмайди.

Раёно Алимова, Жамила Мусаева каби ходимлар бу даргоҳда 20—25 йилдан буён ишлашади. Кўп йиллик тажриба ва янгиликлардан хабардорлик уларнинг ўз ишини бекаму кўст олиб боришида қўл келмади. — Салкам чорак асрдан буён одамлар қўлига фуқаролик паспортини топширмаган, — дейди Заҳро Саидаҳмедова. — Аммо ҳеч қачон ҳозиргидек улар

қиёфасида гурур, фахру ифтихор ифодасини кўрмаганман. Одамлар энди ўз мустақил юрти, том маънодаги Ватани, фуқаролик паспортини билан фахрланишади. Хозиргина қўлига паспорт олган Назокат Аъзамовани чин дилдан қўлга олган милиция подполковниги Абдували Адашевга юзланаман.

— Туман аҳолисининг янги паспорт билан тўлиқ таъминланганидан хабаримиз бор. Албатта, бу иш осон кечмаган бўлса керак? — Янгилик, у қайси соҳада бўлмасин, ҳеч қачон силлиқ амалга ошмайди. Уни тўла рўйбга чиқариш учун ти-

нимсиз меҳнат, изланиш талаб этилади, — дейди у. — Бўлимимиз ходимлари Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бекаму кўст бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Биз ишни аввало корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, ҳудудимизга қарашли бўлган маҳалларда тушунтириш ишлари олиб боришдан бошладик. Мана кўриб турганингиздек, натижа ёмон бўлмади. Ҳозир ҳам Зарбдор, Намуна, Алоқа, Мевазор каби маҳалларга чиқиб, паспорт режими, ундан фойдаланиш йўллари ва бошқа мавзуларда

суҳбатлар ўтказиб тураемиз...

Азим Тошкент кўчалари бўйлаб таҳририятга қайтарганимиз шу муқаддас юртининг, мустақил мамлакатнинг фуқароси бўлганидан фахру ифтихор туйиб турган гулгул чечнарлар кўз ўнгимиздан кетмасди.

Темир ҚУРБОН.



Вилоят маҳаллий саноат акциядорлик жамиятига қарашли «Синтепон» ташкilotи Навоий шаҳридаги 42-болалар боғчасини ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаб, янги жиҳозлар савдо қилди. Шунингдек, Қармана шаҳридаги чойхонада 8 нафар боланинг суннат тўйларини ўтказилиб, уларнинг ҳар бири учун омонат дафтarchалари очилди.

МЕХР Оғушида

Қасаба уюшмаси ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га 1 миллион 600 миң сўмлик, Тошрабтадаги болалар интернатига 1 миллион сўмлик бепоул кийим-бош берилди. Қизилтепа туманидаги Ойбек, Бобур, Ибн Сино номли мактаблар, Қосим Қобилов номли хўжаликдаги шифохонага ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳам хўрликдан маҳаллардаги кам таъминланган оилаларнинг болалари ҳам бахраманд бўлишди. Жумладан, Навоий шаҳридаги Навоий номли маҳалла болалари 375 миң сўмга ёрдам пули олдилар.

Ялғоз САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ХАВФСИЗЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Республика Ижтимоий фикр жамоатчилик марказида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Мамлакат, миллат ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлиги учун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари тизimini яратишдир, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази таҳлил ва тадқиқотлар бўлими бошлиғи Баҳодир Исмоилов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Мустақиллигининг дастлабки йилларидан асосий эътибор фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилди. Бу борада Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинг институтининг ташкил этилганлиги фикрининг далилидир.

Давра суҳбатида буғунги кунда аҳоли қатламлари ижтимоий ҳуқуқ доирасида қабул қилинган қонунлардан қай даражада хабардорликларини аниқлаш мақсадига ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам таҳлил қилинди.

«Туркистон-пресс».

ОГОҲЛИК - БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Кейинги вақтларда бутун дунёда халқро терроризмнинг кучайиб бораётгани сезилмоқда. Мутахассислар терроризмга қарши курашда халқро ҳамжамиятнинг ҳамкорликда кураши зарурлигини эътироф этиш билан бир қаторда, ҳар бир давлат ўз худудида ҳушёрликини ошириши зарур эканини таъкидламоқда. Фуқароларнинг давлат идораларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиши эса бу балонинг олдини олишда энг таъсирчан чоралардан биридир.

Сариосиё ва Узун туманларнинг тоғли худудларида юз берган воқеалар ватаддошларимизни анчагина сергалантирди. Чегаралар янада мустаҳкамланди. Энг муҳими, юртдошларимиз мамлакатимиз худудига сукулиб кирмоқчи бўлган галамисларнинг аслида ким, қандай ифлос ниятлар илжиндида юрганлигини яхши англаб етди. Шу боис, буғунги кунда чегара туманлари аҳолисида тузилган маҳалла посбонлари, кўнгилли отрядлар, муқобил хизматта чакрилган йигитлар, овчилар чегарачиларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Яқинда чегарага яқин худудлардан бирида яшайдиган фуқаро чакалакорда шубҳали одам яшириниб юрганлигини хабар қилди, — дейди Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси махсус штаби бошлиғи, ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Аминжон Тошхўжаев. — Йигитлар билан чакалакорни ўраб олдик. Натижада кўпдан буён қидирувда бўлган киноятчи ушланди. Бу — юртдошларимиз ўзларининг, фарзандларининг, юртининг эртаси учун бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Қишлоғимиз Тожикистоннинг Исфара тумани билан чегарадош, — дейди «Андархон» қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Насирвали Аҳмедов. — Исфараликлар билан эскидтан борди-келдимиз, кудандачилигимиз бор. Шу боис чегараларимизни гараз ниетли қимсалар бузмаса, яхши кўшичилигимизга дарз етмаса деймиз. Биз мамлакатимиз сарҳадлари мустаҳкам эканлигига ишонимиз. Ло-зим бўлса, ёрдамга келган ҳар дақиқада шаймиз. Айниқса, ёшларимиз Ватан ҳимоячилари билан бир сафда туриб юртимиз сарҳадларини қўриқлашда ўз ёрдамларини аямаяпти.

Р. КАМОЛОВ, ЎЗА муҳбири.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: Меҳнат шартномасининг шакли, унинг муддати ва неча ёшдан ишга қабул қилиниши ҳамда ишга қабул қилишда ёшнинг чекланиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

С. ОРИПОВ, ЎЙЧИ тумани.

Жавоб: Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 2 сентябр 1993 йилдаги Қонунига мувофиқ 3 декабр 1993 йилдан бошлаб барча муассасаларда меҳнат шартномаси ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кўчга эга бўлган икки нусxada тузилиши ва ҳар бир тарафга сақлаш учун берилиши шарт.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 март 1997 йилдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг келишуви асосида иш жойи, ходимнинг меҳнат вази-фаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишининг бош-ланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори, қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгиланади.

Қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 5-моддасига биноан меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар ходим 3 декабр 1993 йилга қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 7 январ 1994 йилдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномаси қайта тузилайди, ёзма равишда меҳнат шартномасини тузиш фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномасини номуайян муддатга (муддатсиз), беш йилдан ортик бўлмаган муддатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат шартномасининг муддатлари иш давомида ходимнинг розилиги билан бир муддатдан иккинчи бир муддатга ўзгаририлиши мумкин. Маъодо ходим билан тузилган меҳнат шартномасида унинг муддати кўрсатилмаган бўлса, у доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 105-моддасига биноан ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши билан бекор қилинади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафларнинг бирортаси ҳам бир ҳафта давомида меҳнат шартномаси бекор қилини-шини талаб қилмаса (буйруқ чиқарилмаса), ходим доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади ва ходимни ишдан бўша-тиш умумий асосларда ходимнинг ёки иш бевуқчилигининг ташаббуси билан ҳамда

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича олиб борилади.

Амалиётда иш бевуқчилар томонидан муддатли меҳнат шартномаси тузишда кўплаб хатоликларга йўл қўйилади. Меҳнат кодексининг 76-моддасида иш бевуқчилиги муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш назарда тутилган. Бу моддага мувофиқ муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишининг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда кўрсатилган ҳолларда тузилади. Аммо жойларда ўтказилган текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, бўш ўрин бўла тур-бу, ходим илтимос қилмаган бўлса ҳам у билан иш бевуқчи томонидан муддатли (масалан бир йилга) меҳнат шартномаси тузилади. Ёки ишга турган ходим билан ҳар йили 31 декабрда меҳ-

қабул қилишга йўл қўйилади. Бу, албатта боланинг соғлиғига ва ўқишга зарар келтириши мумкин эмас.

Ун саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шариоити ноқулай ишларда ва бошқа юмушларда фойдаланиш умуман тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб таллаш, адолатли меҳнат шариоитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда иш-сизилқдан ҳимояланган ҳуқуқига эгадир.

Шундай экан, ишга қабул қилишда катта ёшдаги шахснинг ёши ҳеч қандай чекланиши мумкин эмас. Фақат ишга қабул қилишда чеклашлар суднинг қарори, тиббий ҳулоса ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда ўрнатилиши мумкин.

Савол: Ишга қабул қилишдаги синов муддати ва унинг нима мақсадда ўрнатилиши тўғрисида тушунча берсангиз.

О. РАСУЛОВА, Тошкент шаҳри.

ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

нат шартномаси қайта тузилади. Бундай меҳнат шартномаси ноқонуний ҳисобланади. Агар бундай ҳолатда меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан ходим ўз вазифасидан озод қилинса ва у ўз вазифасига ишга тиклашни сўраб судга ёки бошқа мутасадди органларга мурожаат қилса, унинг илтимоси албатта қондирилади ва мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ тўланади.

Бирон ишни бажариш учун ва қонун ҳужжатларига асосан иш жойи сақла-ниб қоладиган ходимнинг ўрнига (масалан, касаллик варақаси, меҳнат таъти-ли, болани парваришлаш билан боғлиқ бўлган таътил, ҳарбий йиғинларга чакри-рилиши ва бошқалар) ишга қабул қилин-ганда муддатли меҳнат шартномаси ту-зилади.

Амалдаги қонунга асосан ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ун беш ёшга тўлган шахслар отаси ёки онасининг ёки улар ўрнини босувчи шахс-нинг (васий, ҳомийнинг) ёзма розили-ги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадига умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юрталари ва ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқув-чиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан сўнг ота-онасининг розилиги билан ишга

Жавоб: Меҳнат кодексининг 84-87-моддаларида ишга қабул қилишда дастлабки синов ўрнатилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ишга қабул қилишдаги дастлабки синов иш бевуқчи ва ишга кирувчи шахс-нинг ўзаро келишуви асосида ўрна-тилади. Агар ходим дастлабки синов шари-ти билан ишга қабул қилинаётган бўлса, ушбу шарт меҳнат шартномаси-да назарда тутилган бўлиши керак. Меҳнат шартномасида дастлабки синов кўрсатилмаган бўлса, ходим даст-лабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунда дастлабки синовнинг муд-дати уч ойгача қилиб белгиланган. Агар ходимга белгиланган уч ойдан ортик синов ўрнатилган бўлса, у ҳақиқий эмасдир.

Ходимга ўрнатилган синов ва унинг муддати меҳнат шартномасида ҳамда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ-да кўрсатиб ўтилади. Буйруқ эса хо-димга имзо чектириб таништирилади. Аммо ходимга ўрнатилган синов унинг меҳнат дафтarchасига ёзилмайди. Бо-шқа ишга доимий ёки вақтинча ўтқа-зилган ходимларга синов ўрнатилма-ди. Бундан ташқари ҳомиладор аёл-лар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл-лар, корхона учун белгиланган квота

ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Эслатиб ўтиш керакки, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври ва хо-дим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди. Масалан, ходим 1 майда 3 ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинсаю, 1 июндан 1 июлгача меҳнатга қобилиятсизлик ва-рақасида бўлса, синов муддати 31 июлда эмас, 31 августда тугайди.

Дастлабки синов муддати даврида ходимларга фақат меҳнат тўрисидаги қонун ҳужжатларига эмас, балки му-ассасада ўрнатилган меҳнат шартлари ҳам тўлиқ таътиб қилинади. Масалан: меҳнат интизомини бўзса, унга инти-зомий жазо чоралари қўллаш, муассас-садаги ички меҳнат тартиби қоидаси-га риоя қилиш ва бошқалар.

Меҳнат кодексининг амалга кирити-лиши, яъни 1 апрел 1996 йилга қадар амалда бўлган Ўзбекистон меҳнат қонунлари кодексига дастлабки синов шари-ти фақат иш бевуқчилигининг манфа-атлари учун хизмат қиларди, ходим-нинг топширилётган ишга мувофиқ-лиги текшириб кўриларди. Амалдаги Меҳнат кодекси ходимга ушбу ишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўзи бир қарорга келиш ҳуқуқини ҳам берди. Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккин-чи тарафни уч кун олдин ёзма равиш-да огоҳлантириб, меҳнат шартномаси-ни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Икки томоннинг келишувига биноан уч кун олдин огоҳлантириш муддати қисқар-тирилиши мумкин ва ходимга огоҳлан-тириш муддати давомида меҳнат шар-тномасини бекор қилиш тўрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Ходимнинг ишлаб бериш нормала-рини ёки ишлар ҳажмини бажармас-лиги, иш сифатининг паслиги ва бо-шқалар ишни уйдаяла олмаётганлиги-ни кўрсатувчи далил бўлиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш бевуқчи томонидан бекор қилиниши мумкин. Бунда қасаба уюшма кўмита-сининг розилиги олинмайди ва уч кун-лик огоҳлантириш муддати пуллик ком-пенсация билан алмаштирилмайди. Меҳнат низоиси келиб чиққанда, иш бе-рувчи ходим ҳақиқатда топширилган ишни бажара олмаётганлигини исбот-лаб бериши керак.

Синов муддати даврида ходим ўз та-шаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилганда ундан бунинг сабаби-ни тушунтириб бериш талаб қилинмай-ди. Унинг бурчи бу ҳақда иш бевуқчи-ни уч кун олдин ёзма равишда огоҳ-лантиришдан иборат бўлади.

Агар синов муддати тугагунга қадар иш бевуқчи ҳам, ходим ҳам меҳнат шартномаси тўхтатилишини ёзма ра-вишда билдирмаса, меҳнат шартномаси-нинг амал қилиши давом этади. Бу ҳақда ҳеч қандай қўшимча буйруқ чи-қарилмайди. Меҳнат шартномасининг кейинчалик бекор қилинишига фақат умумий асосларда йўл қўйилади.

ИНСТИТУТДА РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Республиканизмдаги йирик олий ўқув юр-та-ларидан бири ҳисобланган 2-Тошкент Дав-лат тиббиёт институтини учун бу йил самара-ли бўлмоқда. Унинг халқро алоқалари ке-нг-гайиб, қатор йирик илмий марказлар бил-лан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Олий ўқув юртининг бошладиган Тэрнополь шифохонаси олий тиббиёт институтида ўқув юрти АҚШнинг уюштирилган халқро Виржиния штати Рич-мондда шаҳри тез тиб-ваффақият қозонди-бий ёрдам бошқармаси лар. Москва тиббиёт стоматология институ-ти томонидан ташкил қилинган «Талабалар: тиббиёт фанлари-2000» фестивалида та-лабаларнинг 7 та ил-мий иши яхши баҳо олди.

Институтнинг Амери-ка Халқро Соғлиқни сақлаш Иттифоқи билан тузилган ҳамкорлик шартномаси ўз ижобий самараларини бера-

А. АЛИЕВ.

ЎЗБЕК КУРАШИ ЯНА ЖАҲОН НИГОҲИДА

1-3 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида миллий кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» бўлиб ўтади



Истиклол шарофати ила қайта кўз очиб, жаҳонга юз туган Ўзбек кураши бугун яна жаҳон нигоҳида! Ҳа, миллиятимиз гурури тимсоли бўлган курашимиз ҳусуида дилда чексиз фахр-ифтиҳор туйғуларини туйиб, ана шундай сўзларни айтмоққа ҳақлимиз. Зотан, зўр муваффақият билан ўтган Ўзбек кураши бўйича I ва II Жаҳон чемпионатлари, қатор халқаро турнирлар шундай фикрни айтишга асос бўла олади. Бинобарин, ушбу мусобақалар мобайнида юртимиз ҳамда жаҳоннинг

ўнлаб полвонлари кашф этилди. Бир сўз билан айтганда, ўзида мардлик ва ҳалолликни мужассам этган Ўзбек курашини дунё тан олди.

Бугун XXI аср спорти дея эътироф этилаётган Ўзбек кураши бўйича бундан уч ой илгари гўзал Анталияда ўтказилган II Жаҳон чемпионати баҳслари кўҳна китъа кураш иҳлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Айнан шу чемпионат беллашувларида янги халқаро миқёсдаги мусобақа ўтказиш госяи тутилди. Буюк Британия кураш ассоциацияси мамлакатимиз раҳбари

Ислом Каримов номидаги халқаро турнир ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бу муҳтарам Юртбошимизнинг нафақат республикамиз, балки жаҳон спорти жонкуяри эканлигининг юксак эътирофидир.

Ууллас, Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида миллий кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» мусобақалари бошланади. Сўнгги тайёргарликларни ниҳоясига етказётган мусобақа ташкилотчиларининг мақсади Ўзбек курашини Буюк Британия, қолаверса, жаҳон аҳли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу спорт тури

ихлосмандлари сонини оширишдан иборат. Кувонарлик, илк маротаба ташкиллаштирилаётган турнир келгуси йилдан анъанавий тарзда ўтказила бошланади.

Ўзбекистон кураш ассоциацияси мусобақаларини 7 гуруҳга ажратган ҳолда ўтказишни режалаштирган. Қизлар (аёллар), ўсмир-ёшлар (эркаклар) ва фахрий полвонлар ўртасида турли ёш ва вазн тоифаларида бўлиб ўтаётган беллашувларда Ватанимиз шарафини жами 6 спортчи ҳимоя қилади.

К.ОЛЛОЁРОВ.

Кумкўрғон тумани «Алпомиш» ўйингоҳи мажмуида туман ёшларининг «Камолот» жамғармаси кубоги учун спортнинг теннис, шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

«КАМОЛОТ» КУБОГИ СОҲИБЛАРИ

— «Соғлом авлод» йили муносабати билан ўтказилган ушбу мусобақалар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди жамғарма раиси Одилжон Қобилов. — Шу боис бу каби беллашувларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирдик.

Икки кун давом этган қизиқарли мусобақалар якунига кўра теннис баҳсларида «Оқсой» маҳалласида истиқомат қилувчи Сафар Алланазаров, шахмат бўйича «Янгиобод»лик Улугберди Хайитов, шашка бўйича «Янги шаҳар» маҳалласи фуқароси Қаҳрамон Аликуловлар голиб бўлишди. Уларга туман «Камолот» жамғармаси кубоги ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Д.РУСТАМОВ.

Чемпионлар ҳақида ҳикоялар

КАРАТЭЧИ «АЛПОМИШ»

Алплар юрти бўлмиш Сурхон заминидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда. Ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионлари — Таштемир Мухаммадиев ва Махтумқули Махмудовлардан сўнг қора белбоғ соҳиби Азаматали Қаландаров Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган каратэ баҳсларида голиб чиқди. Мусобақаларда Ватанимиз спортчилари тўла галаба қозондилар.

Азаматали Қаландаров зиёли синов турар эди. Жисмонан ва руҳинан тугилиб, камолга етди. Болаликдан спортга қизиқди. Жисмоний тарбия дарслари унинг жониди эди. У югуриш, сакраш, турникга тортилиш каби мусобақаларда доимо биринчи эди. Футбол, волейбол ўйинларида эса ажойиб ўйин кўрсатиб, командасини олдинга олиб чиқарди. Стадиондан бери келмайдиган Азаматали шу тариқа катта спорт майдонига дадил кириб борди. Паҳлавон қоматли бу йигит спорт ишқибозларини ўз маҳорати билан хангу манг этди. Каратэ баҳсларида ҳар гал у янгидан-янги усуллари кўллаганида мухлислари, «О-а, алп йигит!», «Қойил!» дея олқишларди.

Устози Олег Черенцов раҳбарлигида тинимсиз қилинган меҳнат, иزلаниш теъда ўз самарасини берди. Азаматалига бир неча бор халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариш насиб этди. У каратэ бўйича мутлоқ оғир вазнда икки марта жаҳон кубоғини, уч марта Осмё, ўн икки марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди, бир қанча халқаро турнирлар со-вриндори бўлди.

— Бу гагга қора белбоғлилар мусобақаси тўғриси, мен учун ҳар қачонгидан-да оғир кечди. Чунки, илгари уч мартаба эронлик машхур каратэчи, бир неча бор китъа чемпиони Али Шотирзодадан енгилган эдим. Олдимда машаққатли

синов турар эди. Жисмонан ва руҳинан тугилиб, камолга етди. Болаликдан спортга қизиқди. Жисмоний тарбия дарслари унинг жониди эди. У югуриш, сакраш, турникга тортилиш каби мусобақаларда доимо биринчи эди. Футбол, волейбол ўйинларида эса ажойиб ўйин кўрсатиб, командасини олдинга олиб чиқарди. Стадиондан бери келмайдиган Азаматали шу тариқа катта спорт майдонига дадил кириб борди. Паҳлавон қоматли бу йигит спорт ишқибозларини ўз маҳорати билан хангу манг этди. Каратэ баҳсларида ҳар гал у янгидан-янги усуллари кўллаганида мухлислари, «О-а, алп йигит!», «Қойил!» дея олқишларди.

Устози Олег Черенцов раҳбарлигида тинимсиз қилинган меҳнат, иزلаниш теъда ўз самарасини берди. Азаматалига бир неча бор халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариш насиб этди. У каратэ бўйича мутлоқ оғир вазнда икки марта жаҳон кубоғини, уч марта Осмё, ўн икки марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди, бир қанча халқаро турнирлар со-вриндори бўлди.

— Бу гагга қора белбоғлилар мусобақаси тўғриси, мен учун ҳар қачонгидан-да оғир кечди. Чунки, илгари уч мартаба эронлик машхур каратэчи, бир неча бор китъа чемпиони Али Шотирзодадан енгилган эдим. Олдимда машаққатли

синов турар эди. Жисмонан ва руҳинан тугилиб, камолга етди. Болаликдан спортга қизиқди. Жисмоний тарбия дарслари унинг жониди эди. У югуриш, сакраш, турникга тортилиш каби мусобақаларда доимо биринчи эди. Футбол, волейбол ўйинларида эса ажойиб ўйин кўрсатиб, командасини олдинга олиб чиқарди. Стадиондан бери келмайдиган Азаматали шу тариқа катта спорт майдонига дадил кириб борди. Паҳлавон қоматли бу йигит спорт ишқибозларини ўз маҳорати билан хангу манг этди. Каратэ баҳсларида ҳар гал у янгидан-янги усуллари кўллаганида мухлислари, «О-а, алп йигит!», «Қойил!» дея олқишларди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

«БОБУР» ҲШ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Ҳш шаҳрининг 3000 йиллиги олдида Заҳириддин Мухаммад Бобур номли вилоят ўзбек мусиқали драма театри иждоий жамоаси санъат шайдолари учун ажойиб тухфа тайёрладилар.

Вилоят театри жамоаси «Шоҳ Бобур» номли мусиқали драмани саҳналаштиридилар. Асар Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида иқтидорли режиссёр Фанижон Холимов томонидан саҳналаштирилди.


Маданият

Буюк Бобур родини истеъдодли актёр Олимжон Комиллов ижро этди. Заҳириддин Мухаммад Бобурга бағишланган янги спектакл тақдими мотида андижонлик бир гуруҳ зиёлилар, қаламкашлар, санъат шайдолари ҳам ўшликлар қатори қирғизистонлик артистларнинг ижрочилик маҳоратига юқори баҳо бердилар ва саҳналаштирилган янги асар икки халқ ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашда, ёш авлодни байналмилал руҳда тарбиялашда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар.

«Туркистон-пресс»

Маънан баркамол инсон қайси соҳада ишлаган ўзига бириктирилган юмушини сикдиқдан адо этиб, эл олқишига сазовор бўлади. Негаки, у дунёни тийран англайди, яшаш моҳиятини шунчаки умр кечириш эмас, инсонларга наф келтириш, ўздан муносиб из қолдириш деб тушунади. Косон туман марказий шифохонасида шифокорларнинг маънан етуклигига алоҳида эътибор берилди. Давр шифокорининг замонавий билими ва бобомерос кадрларга муносабати синовдан ўтказилди. Бош ҳақим раҳбарлигида шифокорлар «Маънавият ва маърифат» хонасида йиғилиб, дилдан суҳбатлашди, кундалик газета ва журналлар, янги адабиётлар билан танишишди. Дунё воқеаларидан ўзаро баҳс-мунозара юритишади.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.



Ғаройиботлар оламида

НИКОҲ УЗУГИНИНГ САРГУЗАШТИ

Наманганда истиқомат қилувчи Акмалхон Юсупов турмуш ўртоғига муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида иккинчи марта никоҳ узуги тақдим этди. Воқеа тафсилоти куйидагича.

Хонадондаги кўзичоқ бирдангача ҳеч нарса эмай қўйди. Уй эгаси ҳар қанча уринмасин фойдаси бўлмади. Шаҳар ветеринария станциясидан этиб келган мутахассис кўзичоқнинг тилига тилла узук кириб қолганлигини кўриб таажужга тушди.



Бундан саккиз ой илгари, кўзичоқ энди туғилган пайтда уй бедаси Соҳиббахон никоҳ узугини йўқотиб қўйган эди. Узук кўзичоқнинг тилига мустаҳкам ўрнашиб қолган экан. Олдингача узук борлигини сезмаган кўзичоқ сал каттароқ бўлгандан кейин бутунлай ейишдан бош тортган.

Хуллас, узук эгаси аниқлангандан сўнг кўзичоққа бинойидек эт битиб қолди. Хонадон соҳиби эса никоҳ узугини турмуш ўртоғининг бармоғига иккинчи марта тақиб қўйди.

(ЎЗА).

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

(Боши 27-сентябрь сониди.)

Мен — Ахурамаздо яратган саккизинчи яхши сарзамин — кишвар сувлари мўл, яйловлар юрти Урвидир. Ушанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, газандалик билан такаббурлик ва фирибгарлик руҳини яратди.

Мен — Ахурамаздо тўққизинчи бўлиб яратган сарзамин — кишвар Гургон ўлкасидаги Ханнатидир. Ушанда вужуди ўлим бўлган Ахриман келиб, Гун касаллигини пайдо қилди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўнинчи сарзамин — кишвар овод Хар хуттидир. Ушанда ўлим тимсоли Ахриман келиб, газандалик билан кечиб бўлмайдиган мурдаларни тупроққа кўмиш гуноҳини пайдо қилди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн биринчи сарзамин — кишвар бу гўзал Хирмандидир. Уша кезде ўлим тимсоли Ахриман келиб, газандалик билан Зиёнбар Жодугарни яратди. Жодугарлик белгиси куйидагича намоён бўлди: жодугар иши ривож топди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн иккинчи сарзамин — кишвар бу Рай бўлиб, ўша кез ўлим тимсоли Ахриман келиб, қатъий ишонсизлик гуноҳини пайдо қилди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн учинчи кишвар — сарзамин пок ва хушбахт Чахардир. Ушанда ўлим тимсоли Ахриман келиб, мурдаларни ёқиб юбориш гуноҳини пайдо қилди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн тўртинчи гўзал кишвар — сарзамин Варни чаҳор бўлиб, Аждаҳоқнинг қушандаси Фаридун ўша ерда туғилган. Ушанда ўлим тимсоли Ахриман келиб, газандалик билан аёлларда жисмоний ноқислик ва бедадгорликни бунёд этди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн бешинчи сарзамин — кишвар Хафтрудидир. Ушанда ўлим

АВЕСТО ВА ЖУҒРОФИЯ

тимсоли Ахриман келиб, газандалик билан аёлларда ўта ҳарорати баланд касалликни яратди.

Мен — Ахурамаздо яратган ўн олтинчи сарзамин — кишвар «Ранго» чашмасининг атрофидаги ерлардир. Ҳозирча бу ерда халқ бошқарувчисиз яшайди. Ушанда ўлим тимсоли Ахриман келиб, газандалик билан девлар иши бўлиш кишини яратди. Бундан ташқари мен яна кўплаб гўзал, гул-гул яшнаган мамлакатларни яратганман.

Тадқиқотчилар Детийни Аракс дарёсининг эски номи дейишса, «Урвистиш» эса ҳозирги Тус вилоятидир. «Чоҳар» кишвари ҳам аниқланган эмас. Айрим олимлар қадимги замонларда Хуросон минтақасида «Чаҳар» ва «Чаҳра» деган шаҳар бўлганлигини уқтирадилар. Олимлар «Хафтруд кишварини ҳозирги Панжоб вилояти, деб таҳмин қиладилар. «Варна кишварининг худуди ва ўрни ҳам ҳали аниқланмаган. Кўп олимлар «Нисонинг аниқ ўрни хусусида ҳам иккиланидилар. Шунингдек, Яшларда яна Арзиқи, Суқи, Фардафшун, Вовартарашти, Воварчирашти, Хунирас каби янги яратилган кишварлар зикр этилган. Авестошunosликда уларнинг қайси минтақаларда эканлиги ҳали муайян бўлмаган. Жамшид, Фаридун, Афросиёб, Қайхуорав ҳақида гап кетганда, улар тасарруфидаги шаҳарлар, юрлар, бунёд этилган мўнзилгоҳлару қалъалар ҳам тилга олинади, санаб ўтилади. Ахурамаздо яратган 16 кишвардан баъзилари Хот ва

Яшларда ҳар хил мавридда тилга олинади; тоғларнинг номлари ҳам баъзан такроран келади; янги яратилган «Хафт кишвар» — ётти мамлакат эслатиб ўтилади. Шунингдек, дунёнинг яратилиши, ер юзини тўрт океан ўраб туриши, Волга, Хинд ва Тигр дарёлари, куруқлик билан сувлик жойларнинг таносиб ва бошқа маълумотлар ҳам борким, улар алоҳида тадқиқотни талаб этади. Юқорида эслатганимиз Жамшид қурдирган ер ости шаҳарларда энг қаҳратон қишда одамлар билан бирга барча жонотлардан бир жувфдан, ҳамма зирот, ўсимлик ва дархатларнинг уругидан ҳам сақланган. Бу тафсилот Нуҳ пайгамбар замонидаги тўфон воқеасини эслатади. Фарқи шундаки, Жамшид буларни совуқдан, Нуҳ эса «обу азобдан» асрайди. Ер ости шаҳрига нуқсонли одамлар ва жонотлар киритилмади. Зероки, уларга «Ахриман нафаси теккан». Ер юзиде пишқ қишдан иморат қуришини ҳам шу Жамшид бошлаб берган. Ҳарбий қуроллар ҳамда меҳнат асбобларини ясаш, кўприк, тегиримон қуриш, либос тўқиш, кема, паром ва гулсарлар ясашни ҳам Жамшид халққа ўргатган ва расм қилган. Оташни Жамшид кашф этгандан сўнг, барча туман, овул, маҳалла, гузарларда Оташбоп назорати остида Оташгоҳлар ташкил қилинади, бу ерда доим олов ёки унинг қўғи бўлган. Халқ ундан тутантирик олиб, уйларида олов ёққан. Шундай қилиб, олов Турону Эрон халқларининг асосий ҳаёт омилли, рўшнолик, покланиш, совуқдан жон ас-

раш воситасига айланиб, муқаддаслашиб берган. Оловнинг халқимиз удумларида ҳамон бир рамз тарзида сақланиб қолиши ана шу анъана билан ҳам боғлиқ.

Баъзи авестошunosлар Ахурамаздонинг кишварлар яратишига қарши Ахриманинг турлитуман қаршиликлари кўрсатиши, яхшиликага нисбатан қабоҳат ва разолат кучларини рўпара қилишида «аждоқларимизнинг дуалистик қарашлари» инъикосини кўрадилар. Бу бизнингча, тўғри эмас. «Авесто»нинг бир неча ўрнида Ахриман — Иблисини яқна тангри яратганлиги қайд этилган. Кейинчалик у такаббурлашиб Ахурамаздонинг ягоналигига шак келтириб, унинг яратувчилик қудратига зид хатти-ҳаракат қилишга аҳд этган. «Кишвар яратилиш» жараёнида ҳам «кирдари бад» сардори Ахриман ўзининг иблислигини намойиш этган.

Бундан ташқари «Авесто»да яна ўнлаб шаҳарлар, манзилгоҳлар, сахрою даштлар ҳақида бир-биридан қимматли маълумотлар келтирилган. Уларнинг аксарияти Помир тизма тоғларини этакларидан, кўҳна Бактриядан Озарбайжонгача бўлган худудда жойлашган. Жумладан, Табриз, Рашт, Энзали шаҳарлари Озарбайжон минтақасига кирса, Арзаби шимолдирғарбий Мидияда жойлашган. Эътиборли томони шундаки, «Вендидод»да зардуштийларнинг «14 марта кўчиб», яна «14 марта янги шаҳарлар бунёд этганлик»лари накл этилади. Барча авестошunosлар «Вендидод»да тилга олинган шаҳарлар, воқеалар тарихий ҳақиқатга мос ва рост келишини тасдиқлашган. «Ийрон Виж»нинг Хоразм эканлиги ҳам фанда тўла исботланган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, профессор. (Давоми бор.)

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ТВМ компьютерлаштирилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотузда эркин нархда.
«Шарк» нашрият—матбаа концерни босмаханаси. Корхона-манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00